

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВ ХАСАН МИРЗАХИТОВИЧ

**ПОЕЗД ДИСПЕТЧЕРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.10.01 – Мехнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Камилов Хасан Мирзахитович

Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари
хавфсизлигини ошириш..... 3

Камилов Хасан Мирзахитович

Повышение безопасности условий труда
поездных диспетчеров 21

Kamilov Khasan Mirzakhitovich

Increasing the safety of working conditions
of train dispatchers..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВ ХАСАН МИРЗАХИТОВИЧ

**ПОЕЗД ДИСПЕТЧЕРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.10.01 – Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/T1235 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сулайманов Суннатулла
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Йўлдошева Озодахон Муҳаммадсодиқ кизи
техника фанлари доктори, доцент

Суюнбаев Шинполат Мансуралиевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.T.73.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz, tashiit@exat.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Р.С. Разиков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги семинар раиси,
т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда темир йўл транспорти мамлакатлар иқтисодиётининг энг муҳим транспорт тармоғи ҳисобланади. Сўнгги йиллардаги иқтисодий ўсиш мамлакатлараро товарлар айирбошлаш кўлами темир йўл транспортига бўлган эҳтиёж ва талабнинг янада ортишига олиб келмоқда. Темир йўл транспортида ташиш жараёнини ташкил этиш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда поезд диспетчерлари хизмати ўта муҳим ўринга эга. Дунё миқёсидаги кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг 60-80%и диспетчерлар (инсон омили)нинг ишончлилиги¹, уларга яратилган меҳнат шароитларининг гигиеник ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига тўлиқ мос бўлишини тақозо этади. Шу жиҳатдан поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид инновацион-техник ечимлар ва санитар-гигиеник тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишда ташкилий, санитар-гигиеник ва инновацион илмий-техник ечимларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, поезд диспетчерлари ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти ҳамда меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлашда иш жойида мавжуд техник ва мебел жиҳозларига қўйилган эргономик параметрлар ҳамда санитар-гигиеник талабларни асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишда иш жойидаги хавфли (шикастловчи ва зарарли) ишлаб чиқариш омили манбаларининг юзага келиш сабаблари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш параметрлари сон ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда инновацион-техник ечимлар, ташкилий ва санитар-гигиеник тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, ...йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ...”² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни талаблари асосида “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда АЖ) Ягона диспетчерлик марказида ўтказилган поезд диспетчерлари меҳнат

¹ Бондаренко, Н.А. Обеспечение безопасности транспортного производства в системе «машинист-поезд-диспетчер» с учетом компьютерной стабильности: дисс. ... канд. тех. наук: 05.22.01: защищена 28.12.2006 / Бондаренко Наталия Александровна. – Ростов-на-Дону 2006. - Библиогр.: - С. 7-9.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

шароитларининг гигиеник меъёрларга мувофиқлигини баҳолаш натижасига кўра, иш жойларидаги меҳнат шароитларининг гигиеник меъёрларга мувофиқлиги ва зарарлиги бўйича 3.3-синфга мансублиги аниқланган ва якуний хулоса расмийлаштирилган. Гигиеник меъёрларга мувофиқлигини баҳолаш мезонларига асосланган меҳнат шароитларининг 4 та синфига оид таснифидан маълумки, зарарлиги бўйича 3.3-синфга мансуб меҳнат шароитларидаги иш жойларида доимий фаолият юритувчи ишчи-ходимлар танасида қайта тикланмайдиган функционал ўзгаришлар содир бўлади, меҳнат қобиляти пасаяди, шунингдек касб касалликларининг юзага келиш эҳтимоли ортади. Шундан келиб чиқиб, бундай (зарарлиги 3.3-синфга мансуб) меҳнат шароитларда фаолият юритувчи ходимларга вақтинчалик чора-тадбирлар сифатида устама ҳақ тўлаш (компенсация), иш ўрнига мос бўлган кафолатлар ва преференциялар берилади. Аммо вақтинчалик чора-тадбирлар ходимларнинг касб касалликларига чалиниш эҳтимолини камайтирмайди, фақатгина улар соғлиғининг йўқотилишига мос моддий компенсация ҳисобланади ва ўрнатилган ёшдан 5 йил олдин нафақага чиқиш имтиёзини беради. Меҳнат муҳофазаси соҳаси фаолиятининг асосий мақсади йўқотилган соғлиқ учун ишчи-ходимга моддий товон тўлаш эмас, балки меҳнат жараёнида инсонлар хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилятини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Шу боис ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид инновацион-техник ечимлар ва санитар-гигиеник тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги “Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3913-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Меҳнат унумдорлигини ошириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини ошириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, олий ўқув юртларида, жумладан: Department of Transportation Federal Railroad Administration, Office of Research and Development (АҚШ), Technische Universitat Darmstadt (Германия), Swiss Federal Institute of Technology

(Швейцария), Guangxi University (Хитой), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), Москва давлат темир йўллари университети (МГУПС), Петербург давлат темир йўллари университети (ПГУПС), Белоруссия давлат транспорт университети (БелГУТ), Тошкент давлат транспорт университети (ТДТУ)да олиб борилмоқда.

Диспетчерлик хизматининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда ушбу хизматнинг самарали ва сифатли бўлиши бевосита ҳамда билвосита диспетчерларнинг меҳнат шароитларига боғлиқ эканлигини назарда тутган ҳолда диспетчерлар меҳнат шароитларининг гигиеник меъёрларга мувофиқлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган ташкилий, техник, ижтимоий тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан, S. Popkin, J. Gertler, S. Reinach, Isabel Schütz, Anselmo Stelzer, H. Zeier, Linfei Yin, Qi Gao, Lulin Zhao, Bin Zhang, Tao Wang, Shengyuan Li, Hui Liu, Tae Jin Kim, Poong Hyun Seong, Б.Б. Елизаров, Т.Г. Подгорная, В.Г. Цуркан, Л.С. Панасовская, И.Н. Дудник, Л.С. Нерсисян, Е.А. Карауловская, В.М. Благодатин, Е.С. Леонова, В.Г. Кузнецов, Д.В. Захаров, А.В. Власова, В.И. Воронцов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мамлакатимизда поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар С. Сулайманов, В.А. Рашидов, И.Б. Буронов, Ж.Б. Худойкулов, Ш.М. Суюнбаев, Р.З. Нурмухамедов, Ш.Н. Норматов, Ҳ.Т. Ғойибназаров ва бошқалар томонидан олиб борилиб, ушбу соҳада ижобий натижаларга эришилган.

Маҳаллий ва хорижий амалиётдан келиб чиқиб қайд этиш жоизки, поезд диспетчерларининг иш пайтидаги гавда ҳолатларини инобатга олган ҳолда, улар таянч-ҳаракат аппаратининг (умуртқа поғонаси, суяклар, мушаклар, бўғимлар, пайлар) статик юкланишини камайтириш, қулай меҳнат шароитларини яратиш, диспетчерлар меҳнат жараёнида ўтиришда фойдаланиладиган креслони биомеханика ва эргономика қонуниятлари асосида такомиллаштириш, илмий асосланган инновацион-техник ечимлар яратиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Илмий-техник кенгаш йиғилишининг 29/1-сонли баённомаси (2018 йил 28 сентябрь) ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2019 йилда техник даражасини оширишнинг ягона комплекс режасига (27.12.2018 йилдаги 2374-НЗ буйруғи) мос равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари ҳамда ишлаб чиқариш муҳитининг рухсат этилган меъёрларидан юқори бўлган бошқа зарарли омиллар кўрсаткичларини камайтириш орқали поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид тадқиқотлар натижаларини тўплаш, тизимлаш, танқидий таҳлил этиш, диссертациянинг мақсади ва вазифаларини асослаш;

поезд диспетчерлари иш жойларида мавжуд хавфли (шикастловчи ва зарарли) ишлаб чиқариш омиллари манбаларининг эмиссияси таҳлили, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичларининг камайишини таъминловчи кучларнинг физик ҳамда математик моделини ишлаб чиқиш ва уларга таъсир этувчи кучларнинг таҳлили орқали уларни баҳолаш;

поезд диспетчерлари меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичларини камайтириш имконини берувчи креслонинг лойиҳа макет намунасини ишлаб чиқиш ва ясаш;

поезд диспетчерларининг меҳнат шароитларини гигиеник баҳолашни амалга ошириш, ишлаб чиқилган креслонинг тажриба макети самарадорлигини баҳолаш;

поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган техник ечимларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Ягона диспетчерлик маркази поезд диспетчерлари иш жойидаги меҳнат шароитларининг гигиеник кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, меҳнат жараёнида поезд диспетчерларининг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғини ҳамда иш қобилиятини таъминлашга қаратилган илмий асосланган инновацион-техник тадбирлар тизими саналади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид назарий прогностик таҳлил, математик статистика ва моделлаштириш, эксперт баҳолаш (анкета-сўров) ҳамда меҳнат фаолиятининг видеохронометражи усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

поезд диспетчерлари меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичларининг камайишини таъминловчи кучларни таҳлил қилиш имконини берувчи “нейтрал ҳолат” креслосининг физик ҳамда математик модели ишлаб чиқилган;

поезд диспетчерларининг иш жараёнида фойдаланиладиган техник воситаларнинг электромагнит майдони кучланганлиги даражасини пасайтириш имконини берувчи ҳимоя кожухи ва экраннинг ҳисоб модели ишлаб чиқилган;

поезд диспетчерининг меҳнат жараёни видеохронометражи асосида мунтазам такрорланувчи гавда ҳолатлари ҳамда фаолият турлари бўйича меҳнат фаолиятининг юкланиш коэффициенти аниқланган;

поезд диспетчерлари иш жойининг меҳнат шароитлари бўйича меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари таъсирини интеграл

балли баҳолаш асосида иш жойининг меҳнат шароитлари даражаси, чарчаш ҳолати ҳамда иш қобилияти кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

поезд диспетчерлари меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичларини камайтириш имконини берувчи “нейтрал ҳолат” креслоси ишлаб чиқилган;

поезд диспетчерлари иш жойидаги техник воситаларнинг электромагнит майдон кучланиши даражасини пасайтириш имконини берувчи ҳимоя кожухи ва экран ишлаб чиқилган;

поезд диспетчерлари меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари таъсирини интеграл балли баҳолаш ҳамда улар меҳнат фаолиятининг юкланганлигини аниқлашнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижалари бўйича яратилган илмий асосланган инновацион-техник ва санитар-гигиеник ечимлар, ҳулосалар, стандартлаштирилган математик статистика усулларида, MS Office дастурий таъминот тўплами MS Excel дастуридан, биомеханика, антропология, эргономиканинг фундаментал қонуниятларидан, замонавий асбоб ва ўлчов ускуналаридан фойдаланиш орқали етарлича исботланган, поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид эксперт усули (анкета-сўров), меҳнат фаолияти видеохронометражи ва кузатувлар асосида олинган натижалари билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичларининг камайишини таъминловчи кучларни таҳлил қилиш имконини берувчи “нейтрал ҳолат” креслосининг физик ҳамда математик модели, иш жараёнида фойдаланиладиган техник воситаларнинг электромагнит майдони кучланганлиги даражасини пасайтириш имконини берувчи ҳимоя кожухи ва экраннинг ҳисоб модели, поезд диспетчерлари меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари таъсирини интеграл балли баҳолаш, меҳнат фаолиятининг юкланганлигини аниқлаш, ишлаб чиқилган илмий асосланган инновацион-техник ва санитар-гигиеник ечимлар тадқиқотнинг илмий аҳамиятини намоён этади.

Илмий асосланган инновацион-техник ва санитар-гигиеник ечимларни поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини ошириш амалиётига жорий этиш иш унумдорлигининг ортишига, кадрлар қўнимсизлиги ва касб билан боғлиқ касалликларнинг 50%га қисқаришига ҳамда қўшимча харажатлар (имтиёзлар, компенсациялар) сифатли асосланишига олиб келиши, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саналади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

поезд диспетчерлари меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичларининг камайишини таъминловчи “нейтрал ҳолат” креслоси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги Ягона диспетчерлик маркази ва “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖда жорий қилинган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 21 декабрдаги 01/4144-20-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида “нейтрал ҳолат” креслоси поезд диспетчерларини узоқ вақт смена давомида ўтирган ҳолатда ишлаши оқибатида юзага келадиган таянч-ҳаракат аппаратиға (умуртка поғонасининг бел қисмиға) тушадиган статик юкланишни 30-35%ға камайтириш имконини берган;

диспетчерлар иш жараёнида фойдаланадиган техник воситаларнинг электромагнит майдони кучланганлиги даражасини пасайтириш имконини берувчи ҳимоя кожухи ва экран “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги Ягона диспетчерлик маркази ва “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖда жорий қилинган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 21 декабрдаги 01/4144-20-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида ҳимоя кожухи ва экранни алоҳида қўллаш электромагнит майдон кучланганлиги даражасини 2,8-3 маротаба, уларни биргаликда қўллаш эса 5-6 маротаба пасайтириш имконини берган;

поезд диспетчерлари меҳнатининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари таъсирини интеграл балли баҳолаш ҳамда поезд диспетчерларининг меҳнат фаолияти юкланганлигини аниқлашнинг дастурий таъминоти Тошкент давлат транспорт университети ва Тошкент давлат техника университетининг ўқув жараёнларига татбиқ этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 21 декабрдаги 01/4144-20-сонли маълумотномаси). Натижада, ўқув машғулотларида меҳнат шароитларининг гигиеник меъёрларға мувофиқлигини баҳолаш натижаларини юқори аниқликда ҳамда қисқа вақтда тез ва сифатли аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика ҳамда 1 та институтлараро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шу жуладан 1 та мақола *Scopus* маълумотлар базасига киритилган нашрда, 7 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика ва хорижий илмий журналларда нашр этилган, ихтироға патент олиш учун 1 та ҳужжат топширилган, 2 та дастурий таъминот учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланиб, унинг объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

“Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид тадқиқотларнинг танқидий таҳлили, диссертациянинг мақсади ва вазифалари” номли биринчи бобда поезд диспетчерлари ва турдош тармоқлар операторларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга қаратилган илмий ишларни ўрганиш, тизимлаш ва танқидий таҳлил этиш, поезд диспетчерлари меҳнат шароитлари хавфсизлигини ошириш усуллари ва воситалари, поезд диспетчерлари меҳнат шароитларидаги хавфли (шикастловчи ва зарарли) ишлаб чиқариш омилларининг инсон организмига таъсири, санитар-гигиеник талабларга тегишли маълумотлар баён қилинган ва тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, боб бўйича хулосалар қилинган.

Маҳаллий ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга қаратилган илмий асосланган ташкилий, техник, ижтимоий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар таҳлили ўтказилган. Таҳлиллар асосида поезд диспетчерлари иш жойидаги хавфли ишлаб чиқариш омилларини юзага келтирувчи манбалар, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари, смена давомида гавда ҳолатининг турли кўринишда бўлиши ҳисобга олиниб, биомеханика ва эргономика қонуниятлари асосида меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид инновацион-техник ечимлар ишлаб чиқилмаганлиги аниқланган.


Поезд диспетчерлари меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишда ўрганилган илмий тадқиқотларнинг мазмун-моҳияти, меҳнат муҳофазасининг усуллари ва тамойиллари, биомеханика ҳамда эргономика қонуниятларининг таҳлили асосида диссертациянинг мақсади шакллантирилган ва вазифалари белгиланган.

“Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид назарий тадқиқотлар” номли иккинчи бобда поезд диспетчерлари иш жойидаги хавфли (шикастловчи ва зарарли) омиллар манбалари эмиссиясининг назарий таҳлили, поезд диспетчерлари меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичларининг камайишини таъминловчи кучларнинг физик ҳамда математик моделларини ишлаб чиқиш ва назарий баҳолаш, поезд диспетчерлари иш жойидаги электромагнит майдон кучланганлиги даражасини пасайтириш

воситасининг ҳисоб модели, поезд диспетчерлари иш жойининг меҳнат шароитлари бўйича меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиши кўрсаткичлари таъсирини интеграл балли баҳолашни назарий асослашга тегишли маълумотлар келтирилган ҳамда боб бўйича хулосалар қилинган.

Поезд диспетчерлари иш жойидаги техник воситалар ва жиҳозлар кўрсаткичлари, сони ва ўзаро жойлашуви ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллар эмиссиясини белгилаб бериши назарий жиҳатдан асосланди, уларнинг манбалари аниқланди. Диспетчерлар иш жойидаги хавфли омиллар, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари ҳамда электромагнит майдон кучланганлиги даражаси санитар-гигиеник меъёрлар ва қоидалар талабларига мос эмаслиги назарий тасдиқланди.

Маълумки, инсон гавда ҳолатининг ўзгариши (ётган, турган, ўтирган, эгилган, чўккалаган ва бошқалар) таянч-ҳаракат аппарати биозвеноларининг гравитация кучлари (оғирлик кучлари) векторлари йуналишининг ўзгаришига олиб келади. Натижада таянч-ҳаракат аппаратининг муайян ҳолатини таъминлашда фаоллашадиган мушаклар юкланишининг ўзгариши юзага келади. Инерцияли саноқ тизимида гавда ҳолатининг қандай бўлишидан қатъий назар, доимо таянч-ҳаракат аппарати биозвеноларининг гравитация кучлари иштирок этади ва улар ташқи таъсир кучлари ҳисобланади. Ҳар қандай гавда ҳолатида одам таянч-ҳаракат аппарати мушакларининг маълум гуруҳи статик юкланиш таъсирида бўлади.



1-расм. “Кресло-одам” тизимининг физик модели

“Вазнсизлик” ҳолатида биозвенолар гравитация кучлари таъсирида бўлмайди, бунда одам гавдасининг қабул қиладиган ҳолати “нейтрал ҳолат” дейилади.

Тадиқиқот доирасида одам гавдаси “нейтрал ҳолат”да бўлганда, унинг креслода ўтирган физик (статик) модели яратилган. “Кресло-одам” тизимининг физик моделини ишлаб чиқишда илмий асосланган фаразларга таянилган (1-расм). Ишлаб чиқилган физик модел асосида поезд диспетчери гавдасининг мувозанат шартларини аниқлаш учун горизонтал (абсцисса) ўқ бўйича таъсир этувчи кучлар тенгламаси олинган:

$$-P_6 - P_7 - P_8 - P_{6л} - P_к - P_c - P_{6о} - P_n + R_{то} \sin \alpha_{то} + R_c \sin \alpha_c + N_n \sin \alpha_n + R_T \sin \alpha_T + R_{\dot{y}} \cos \alpha_{\dot{y}} + R_n \cos \alpha_n + R_{олд} + R_{орт} = 0, \quad (1)$$

бунда P_6 – бошнинг оғирлик кучи, $P_Г$ – гавданинг оғирлик кучи, P_e – елканинг оғирлик кучи, $P_{6л}$ – билакнинг оғирлик кучи, $P_к$ – кафтнинг оғирлик кучи, P_c – соннинг оғирлик кучи, $P_{6о}$ – болдирнинг оғирлик кучи, $P_п$ – пойнинг оғирлик кучи, $R_{то}$ – билак ости тиргак реакцияси кучи, R_c – суянчиқ реакция кучи, $N_и$ – ўриндиқ-одам ишқаланиш кучи, $R_т$ – тизза ости тиргак реакцияси кучи, $R_{\check{y}}$ – ўриндиқ реакция кучи, $R_п$ – пой ости пружина узанги реакция кучи, $R_{олд}$ – олд таянч ғилдираги реакция кучи, $R_{орт}$ – орт таянч ғилдираги реакция кучи, Н.

Билак ости тиргагининг реакция кучи, елка, билак ва кафт оғирлик кучлари йиғиндисига тенг ёки катта бўлиши уларнинг мушак кучлари иштирокисиз мувозанатда бўлишини таъминлайди, яъни:

$$R_{то} \geq (P_e + P_{6л} + P_к) \cos \alpha_{то} \quad (2)$$

Кресло ўриндиғининг реакция кучи, яъни қаршилик кучи бош, гавда, сон, болдир ва пой оғирлик кучлари йиғиндисининг вертикал ташкил этувчисига тенг ёки катта бўлиши, уларнинг мувозанатини таъминлашда мушаклар кучи иштирокини кескин камайтиради:

$$R_{\check{y}} \geq (P_6 + P_Г + P_c + P_{6о} + P_п) \cos \alpha_{\check{y}} \quad (3)$$

Кресло суянчиғининг қаршилик кучи бош, гавда, елка, билак ва кафт оғирлик кучлари йиғиндисининг горизонтал ташкил этувчисига тенг ёки катта бўлиши, ушбу гавда ҳолатида иштирок этувчи мушаклар кучининг кескин камайишини таъминлайди:

$$R_c \geq (P_6 + P_Г + P_e + P_{6л} + P_к) \sin \alpha_c \quad (4)$$

Тиззалар тиргагининг реакция кучи ва ўриндиқнинг гавда сирпанишига қаршилик кўрсатувчи кучи йиғиндиси бош, гавда, сон, болдир ва пой оғирлик кучлари йиғиндисига тенг ёки катта бўлиши, гавда ҳолатини сақлашда қатнашадиган мушакларнинг таранг тортилиш ва қисқариш режимида бўлишини, яъни уларнинг куч ҳосил қилишини талаб қилмайди:

$$(R_т + N_и) \geq (P_6 + P_Г + P_c + P_{6о} + P_п) \sin \alpha_{\check{y}} \quad (5)$$

Пой ва болдирнинг оғирлик кучини компенсацияловчи пружина узангининг деформация кучи болдир ва пой оғирликлари кучлари йиғиндисининг вертикал ташкил этувчисига тенг ёки катта бўлиши оёқлар ҳолатини тутиб турадиган мушаклар кучини кескин камайтиради:

$$R_п \geq (P_{6о} + P_п) \cos \alpha_{\check{y}} \quad (6)$$

Физик моделдаги вертикал (ордината) ўққа перпендикуляр йўналишда таъсир этувчи кучларнинг мувозанат формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$-R_c \cos \alpha_{\check{y}} + (R_т + N_и) \cos \alpha_{\check{y}} + R_п \cos \alpha_{\check{y}} = 0 \quad (7)$$

(7) формулада диспетчер ўтирган “нейтрал ҳолат” мувозанатининг горизонтал текисликда таъминланиш шартлари ифодаланган.

Кресло тизза тиргагининг реакция кучи, ўриндикнинг гавда сирпанишига қаршилик кучи, пружина узангининг деформация кучи йиғиндиси кресло суянчиғининг реакция кучидан катта ёки тенг бўлиши диспетчер гавда ҳолатини сақлашда иштирок этувчи мушаклар кучининг кескин камайишини таъминлайди:

$$R_T + N_{и} + R_{п} \geq R_c \quad (8)$$

Диспетчер гавдасига “нейтрал ҳолат” креслосида ўтирган вазиятда таъсир этувчи куч моментлари қуйидагича ифодаланади:

$$R_{\ddot{y}} \geq (P_{б} + P_{г} + P_c + P_{бо} + P_{п}) \cos \alpha_{\ddot{y}} \quad (9)$$

Куч моментларининг мувозанат шартлари, соат стрелкаси бўйича ва унга тескари куч моментлари мувозанатлари билан қуйидагича ифодаланади ҳамда бу шартларнинг бажарилиши поезд диспетчери гавда ҳолатини таъминлашда иштирок этувчи мушак кучларининг минимал қийматларини талаб этади:

$$-P_{б} \cdot l_{б} - P_e \cdot l_e - P_{г} \cdot l_{г} - P_{бл} \cdot l_{бл} - P_{к} \cdot l_{к} - P_c \cdot l_c - P_{бо} \cdot l_{бо} - P_{п} \cdot l_{п} - R_c \cdot l_c + R_{то} \cdot l_{то} - N_{и} \cdot l_{и} - R_T \cdot l_T + R_{п} \cdot l_{п} + R_{олд} \cdot l_{олд} + R_{орт} \cdot l_{орт} = 0 \quad (10)$$

$$R_{то} \cdot l_{то} \geq P_e \cdot l_e + P_{бл} \cdot l_{бл} + P_{к} \cdot l_{к} + R_c \cdot l_c \quad (11)$$

$$R_{олд} \cdot l_{олд} \geq P_{б} \cdot l_{б} + P_{г} \cdot l_{г} + P_{бо} \cdot l_{бо} + P_{п} \cdot l_{п} + N_{и} \cdot l_{и} - R_T \cdot l_T + R_{п} \cdot l_{п} + R_{орт} \cdot l_{орт} \quad (12)$$

Ишлаб чиқилган математик модел таҳлили орқали таклиф этилган “нейтрал ҳолат” креслосида ўтирган гавда ҳолатини таъминлашда иштирок этувчи таянч-ҳаракат аппарати (мушаклар) қисқариш кучининг минимал бўлиши шартлари аниқланган. “Нейтрал ҳолат” креслоси макет намунасини ишлаб чиқишда ва лойиҳа параметрлари қийматларини ҳисоблашда математик модел асосида олинган шартлардан фойдаланилган.

Экранлаш электромагнит майдон кучланганлиги даражасини хавфсиз даражага тушириш имконини беради. Ҳимоя экрани самарадорлигини ҳисоблаш схемасини ишлаб чиқишда диспетчер иш жойидаги техник воситалар, меҳнат фаолияти учун уларнинг қулай компоновкаси ва электромагнит майдондан химоялаш воситалари самарадорлигининг назарий ҳисоб формулалари асос қилиб олинган. Ишлаб чиқилган ҳисоб модели икки ҳажмли бўлиб, кожух ва экраннинг геометрик шакли бири-биридан фарқ қилади. Самарадорликнинг логарифмик ифодаланишини назарда тутган ҳолда химоя воситаларининг умумий самарадорлигини баҳолашнинг математик ифодаси ҳосил қилинган:

$$e_{ум} = 10 \lg \left[1 + \frac{m_c}{2} \omega \mu_1 \sigma_1 r_* h \right] + 10 \lg \left[1 + \frac{m_{я}}{2} \omega \mu_1 \sigma_1 r_* h \right], \quad (13)$$

бунда m_c – сфера шакли коэффиенти; $\omega = 2\pi f$ – айланма частота, c^{-1} ; μ – вакуумнинг абсолют магнит сингдирувчанлиги, Гн/м; σ – муҳитнинг ўзига хос электр ўтказувчанлиги, См/м; r_* – ҳар қандай геометрик шаклдаги

экраннынг эквиваленти радиуси, мм; h – экраннинг қалинлиги, мм; $m_{я}$ – ясси шакл коэффициенти.

Ишлаб чиқилган ҳисоб моделининг таҳлили орқали ҳимоя кожухи ва экраннинг самарадорлиги аниқланган. Ҳисоб модели асосида олинган шартлардан ҳимоя кожухи ва экраннинг макет намунасини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқишнинг интеграл кўрсаткичи меҳнат шароитларининг инсон фаолиятига таъсирини аниқлашга имкон беради. Иш жойи меҳнат шароитлари бўйича меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқишни интеграл баҳолашда чарчоқнинг интеграл кўрсаткичини аниқлаш учун поезд диспетчерлари банд бўлган фаолият турлари вақтидаги гавда ҳолатларида меҳнат фаолияти юкланишини белгиловчи регрессия коэффициентлари киритилган:

$$y = \left(\frac{\sum_{i=1}^n x_i - 15,6}{0,64} \right) \cdot \frac{K_{xю}}{K_{чю}}, \quad (14)$$

бунда Y - шартли (нисбий) бирликлардаги чарчоқ кўрсаткичи; 15,6 ва 0,64 – регрессия коэффициентлари; $K_{xю}$ – меҳнат фаолиятининг ҳақиқий юкланиши; $K_{чю}$ – меҳнат фаолиятининг чегаравий юкланиши; $K_{xю} \leq K_{чю}$.

Поезд диспетчерлари банд бўлган фаолият турлари вақтидаги гавда ҳолатларида меҳнат фаолиятининг юкланишини белгиловчи регрессия коэффициентлари диспетчерлар иш жойи меҳнат шароитлари бўйича меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқишни интеграл баҳолашда чарчоқнинг интеграл кўрсаткичини юқори аниқликда сифатли аниқлаш ҳамда касб билан боғлиқ касалликлар ҳамда жароҳатланишларни олдиндан прогноз қилиш имконини беради.

“Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид тажриба тадқиқотлари дастури, услублари ва воситалари” номли учинчи бобда тажриба тадқиқотлари дастури, уларни ўтказиш усуллари ва воситалари, натижаларга ишлов бериш усуллари ва компьютер дастурларига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари мазмун-моҳиятига оид назарий таҳлил натижалари аниқлигини, тахминларнинг илмий асосланганлигини ва назарий маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлаш бўйича амалга ошириладиган тажрибалар дастури ишлаб чиқилган.

Тажрибалар дастурига киритилган тадқиқотларни ўтказишда, поезд диспетчерлари меҳнат фаолиятини олиб боришда банд бўлган фаолият турлари вақтидаги гавда ҳолатларини ўрганиш юзасидан видеохронометраж ўтказилган. Видеохронометраж ўтказишда юқори аниқликни таъминловчи Panasonic AG-AC90 русумли видеокамера ёрдамида поезд диспетчери иш хонасидаги иш зонасининг барча ҳолатларини суратга олишни таъминлаш учун хона кенглиги ўлчами ҳисобга олиниб, иш столидан 2 метр узоқликда, меҳнат жараёнидаги гавда ҳолатлари тўлиқ кўриниши учун видеокамера хона поли сатҳидан 1,5 метр баландликда, видеокамера объективининг

кўриш бурчаги 270^0 , суратларни қайд этиш тезлиги бир сонияда 24 кадр қилиб танланган.

Таклиф этилаётган ҳимоя кожухи ва экраннинг экспериментал макети намунаси самарадорлигини баҳолаш интеграция усули ва талаб этилган ишончилиликни таъминловчи NFM1 №03443 назорат-ўлчов ускунаси ёрдамида ўлчаш схемаси бўйича танланган нуқталарда 0,2-0,25 метр масофада 5 карра қайта ўлчанган. Ишлаб чиқилган “нейтрал ҳолат” креслосининг экспериментал макети намунаси самарадорлигини баҳолаш амалда поезд диспетчерлари фойдаланадиган стул ва экспериментал кресло макет намунасининг ҳар бир (4 та) таянч нуқтасига тушадиган одам танасининг умумий оғирлик кучини ўзаро тортиш усулида VT-1955 GY русумдаги стрелкали индикатор билан жиҳозланган механик тарозиларда 5 маротаба такрор ўлчанган.

Тажрибалар дастурига киритилган тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва меҳнат шароитлари кўрсаткичларини ўлчаш асбоб-ускуналари, уларнинг аниқлик даражаси талаб даражада бўлиши таъминланган, тажриба тадқиқотлари натижаларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил учун зарур кўринишда жамлаш ва тақдим этиш учун компьютер амалий дастурлари, электрон иловалар танлаб олинган ҳамда улардан фойдаланиш орқали тажриба тадқиқотлари маълумотларига ишлов берилган.

“Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид тажриба тадқиқотлари натижаларини таҳлили” номли тўртинчи бобда поезд диспетчерлари иш жойларидаги хавфли (шикастловчи ва зарарли) ишлаб чиқариш омилларининг тавсифлари, поезд диспетчерлари меҳнат фаолиятининг юкланиш кўрсаткичлари таҳлили, поезд диспетчерлари иш жойининг меҳнат шароитлари бўйича меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқиш кўрсаткичлари таъсирини интеграл балли баҳолаш натижалари таҳлили, поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган техник ечимлар самарадорлигини баҳолаш натижалари, ишлаб чиқилган техник ечимлар, намунавий макетлар лойиҳаларининг шарҳи ва самарадорлигини баҳолаш натижалари таҳлили, поезд диспетчерларининг меҳнат шароитлари хавфсизлигини оширишга оид техник ечимлар техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

Поезд диспетчерларининг алоҳида операцияларни бажаришга сарф қиладиган вақтлари бўйича ҳамда ушбу операцияларни бажариш мобайнида (бандлик вақтида) унинг гавда ҳолатини ҳисобга олиб, меҳнат фаолияти юкланганлиги умумий смена вақтининг $K_{\text{юк}} = 0,87\%$ га тенглиги, шунингдек иш жойи меҳнат шароитлари бўйича меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқишни интеграл баҳолашда поезд диспетчерлари фаолият юритаётган иш жойининг меҳнат шароитлари 6-даражага тегишли эканлиги, смена давомида чарчаш ҳолати 28%ни, иш қобилияти эса 72%ни ташкил этиши аниқланган.

Ишлаб чиқилган ҳимоя кожухи ва экраннинг экспериментал макети намунаси орқали поезд диспетчерлари иш жойидаги техник воситаларнинг электромагнит майдон кучланганлиги даражасини пасайтириш самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида, электромагнит майдон кучланганлиги даражасининг пасайиш қийматлари (1-жадвал) аниқланиб, олинган натижалар компьютер амалий дастурлари ёрдамида қайта ишланиб таҳлил қилинган.

